



ҚАРОРИ

ҚАРАРЫ

Нукус шаҳри	Нөкис қаласы
№ <u>689</u>	« 7 » <u>октябрь</u> 2017 й.ж

Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгашлар тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгашлар тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 29 сентябрдаги 774-сон қарорига мувофиқ **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 сентябрдаги “Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгашлар тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 774-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори билан:

а) Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига бир ой муддатда ушбу қарор билан тасдиқланган намунавий низом асосида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашларнинг низомлари ишлаб чиқиш ва тасдиқлаши ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгаши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси туманлар ва Нукус шаҳри ҳокимликлари бир ой муддатда ушбу қарор билан тасдиқланган намунавий

низом асосида Ёшлар масалалари бўйича шаҳар ва туманлар идоралараро кенгашларнинг низоми ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини таъминласинлар ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Кенгашига ҳисобот бериши топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси**

 **Қ.Сариев**